

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ДИЛОРОМ ИСМАТОВНА

**Х АСР ТОЖИК ШЕЪРИЯТИДА ҚИТЪА ЖАНРИНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(Тоҷик тили ва тоҷик адабиёти)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

УДК: 891.709: (891.5)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ахмедова Дилором Исмаевна

X аср тожик шеърятнда қитъа жанрининг тутган ўрни 3

Ахмедова Дилором Исмаевна

Место жанра қитъа в таджикской поэзии X века..... 25

Akhmedova Dilorom Ismatovna

The place of the poetry only couplets genre in Tajik poetry of the X century 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ДИЛОРОМ ИСМАТОВНА

**Х АСР ТОЖИК ШЕЪРИЯТИДА ҚИТЪА ЖАНРИНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil 1438 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саъдиев Садри

филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Эркинов Афтондил Садирханович

филология фанлари доктори, профессор

Восиева Рухшона Қурбоновна

филология фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 24 май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (12 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс; (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил “8” май кuni тарқатилди.
(2021 йил 8-май даги “71” рақамли реестр баённомаси).



М.Қ.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳ.А.Асланова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), фил.ф.б.

Ж.Ҳамроев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ адабиёти, адабий жанрлар, хусусан, лирик жанрларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, энг аввало, мумтоз адабиётни олий бадиий мезонлар ҳамда дунёвий меъёрлар асосида ўрганишга кенг имконият очилди. Бу мезон ва меъёрлар негизида мумтоз шеърӣ жанрлар ва шакллардан мазмунан бойлиги, бетакрор жанрий хусусиятлари, шунингдек, воқеий ҳаёт ҳодисаларини ўзида мукамал акс эттириши билан ажралиб турадиган энг қадимги шеърӣ жанр – қитъани ўрганиш учун замин яратилди. Ана шу жиҳатдан мазкур мавзу аҳамиятли масалалардан бири сифатида ўзининг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё адабиётшунослигида мумтоз лирик жанрлардан бири бўлган қитъанинг XX асрда ўрганилиши билан боғлиқ муаммо ва илмий концепцияларни аниқлаш, қитъанинг вужудга келиш омилларини Шарқ адабиётининг тараққиёти даври бўлган X аср адабиётидан излаш мақсадга мувофиқ. Қитъанинг ўзига хос жанрий хусусиятларини ҳамда мазкур давр назмий системасида тутган ўрнини белгилаб бериш бугунги жаҳон адабиётшунослигининг энг муҳим масалаларидан бири саналади ва бу масала давр талабига кўра муайян даражадаги илмий-назарий тадқиқини кутмоқда. Бу эса қитъа жанрининг келиб чиқиш асослари, такомил, ғоявий-бадиий, структурал, поэтик ва услубий жиҳатларини қиёсий аспектда ёритиш ва тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Мазкур муаммоларни методологик тамойилларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тожик адабиётшунослиги адабиёт назарияси, мумтоз адабиёти тарихи масалаларини тадқиқ этишда катта муваффақиятга эришди, аммо қитъа жанрининг илмий тадқиқи ҳанузгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шунингдек, қитъанинг мустақил жанр эканлиги масаласи хусусида билдирилган илмий қарашларда бир-бирига мос келмаслик ёки бир-бирини инкор этиш ҳолатлари кузатилди. Айниқса, форс-тожик мумтоз адабиётида қитъа таҳлили борасидаги қарашлар адабиётшунослигимизда кўплаб баҳсу мунозараларга сабабчи бўлди. Шу туфайли қитъа жанрини мустақил жанр сифатида кўрсатиш, қандай мезонларга асосланиш лозимлиги ечими кутилаётган масала сифатида бугунги кун адабиётшунослигида долзарбдир. Зеро “Илм йўқ жойда қолоклик, жаҳолат ва тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹. Бинобарин, ушбу жанр поэтикасини ўрганиш, типологиясини аниқлаш, жанр назариясига ойдинликлар киритиш адабиётшунослик илми олдида турган долзарб вазибалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси / Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. №19. – Б.2. 6

2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тожик адабиётшунослигида ҳам мумтоз лирик шеърятининг алоҳида жанрларига доир махсус тадқиқотлар юзага келган². Мумтоз шеърятининг қадимги ва ўзига хос жанри – қитъа форс-тожик поэзиясида алоҳида ўрин эгаллайди ва мазкур жанрга доир айрим тадқиқотлар юзага келган бўлса ҳам, бироқ адабий манбалар, шунингдек ҳозирги замон адабиётшунослигида қитъа тўғрисида асосан шеърининг шакл ва қолип сифатида сўз юритганлар.

Ҳолбуки, қитъа фақат шакл жиҳатидан эмас, мавзу ва мундарижа хусусиятлари билан ҳам алоҳида шеърининг жанри ҳисобланади. Қитъани жанр сифатида англаш тожик адабиётшунослари Р.Ҳодизода, М.Муллоаҳмад, С.Саъдиевларнинг ушбу жанрга доир илмий мақолаларида кўзга ташланади³. Шунга қарамай, қитъанинг барча жанрий ўзига хосликлари ҳали ёритилганича йўқ. Умуман тожик адабиётшунослигида мумтоз шеърининг бой мазмунга эга ва ниҳоятда жозибали жанри ҳисобланган қитъа жуда кам ўрганилган, унинг ўрганилиш даражаси муайян илмий мақолалар билан

²Рахмонов Ш. Мусаммат, его становление и развитие. АКД. – Душанбе: 1987.; Тоиров У. Касыда в персидско-таджикской литературе (IX-первой пол. IX вв). АКД. – Душанбе, 1990; Шарифов Х. Қасида ва функцияи маърифатии он. – Душанбе: Дониш, 1978, -С.103-111; Мирзоев А. Сайидои Насафӣ ва мавқеи ӯ дар таърихи адабиёти тоҷик. - Сталинобод: Нашрдавтоҷик, 1947; Саъдиев С. Сайидои Насафӣ ва муҳити адабии Мовароуннаҳри нимаи дуҷуми асри XVII. - Душанбе: Дониш, 2018; Р.Мусулмониён. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1990; Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. (Аз давраи қадим то асри 13). Китоби 1. – Душанбе: Маориф, 1989; Шарифов Х., Тоиров У. Назмшиносӣ. – Душанбе: Ҳумо, 2005; Давронов С. Сохти шеъри тоҷикӣ. – Душанбе: Маориф, 1976; Умуоров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 1979.

³Муллоаҳмад М. Қитъа дар осори Рӯдакӣ \ Донишномаи Рӯдакӣ, ҷилди 3. - Душанбе; 2018. - С. 441-447; Имронов С. Ибни Ямини Фарюмадӣ. Ҳаёт ва мероси адабӣ.-Душанбе: Ирфон, 1966; Ёрмуҳамедов Ш.Р. Жанр кита в творчество Анвари Абебарди. АКД.-Душанбе, 2011. Ёрмуҳамедов Ш. Жанри қитъа дар эҷодиёти Анварӣ.-Душанбе, 2011,- с.11-12; Саъдиев С. Жанри қитъа ба мавқеи он дар шеъри асрҳои X-XII \\\ масъалаҳои филологияи тоҷик. Маҷмӯаи мақолаҳои илмӣ муаллимони кафедраи забон ва адабиёти тоҷик ДДС.-Самарқанд. 1008; Ҳодизода Р., Шукуров М., Абдуҷабборов Т. Фарҳанги истилоҳоти адабиётшиносӣ.- Душанбе: Ирфон, 1966, с.118

чегараланиб қолган. Қитъани нисбатан тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг форс-тожик мумтоз адабиёти илк даври X асрда тутган ўрнини аниқлаш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тожик адабиётида қитъалар монографик жиҳатдан махсус ўрганилмаганлиги боис X аср тожик шеърлятида қитъа жанрининг тадқиқ ва таҳлили ушбу диссертацион тадқиқотда амалга оширилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Тожик адабиётида жанрлар ва услублар ранг-баранглиги” мавзусидаги илмий ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади қитъани кенг ва ҳар томонлама ўрганиш, хусусан, унинг келиб чиқиши, жанрий хусусиятлари, шеърлий жанрлар системасидаги (X аср) ўрни, мақоми ҳамда мавзу мундарижасининг ўзига хос хусусиятларини белгилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

исломнинг илк даврларидаги форс-тожик тилидаги кўлёмалар ҳамда қитъага ўхшаш илк фольклор шеърлари асосида қитъа жанрининг келиб чиқиши аниқланган;

қитъа жанри назариясини ишлаб чиқиш (чунки шу асосда, қитъа жанри сарой назми жанрлари системасида ўзининг норасмий мақоми бўйича турли бадиий шакл йўналишига, мавзу ва мундарижага, услуб ва бадииятда эса кенг кўламга ва ҳар томонлама эркинликка эга бўлгани таъкидланади ва баҳоланади).

X аср сарой шеърлятида норасмий жанр сифатида қитъанинг мақоми ва унинг саройнинг расмий мадҳий қасидаларидан фарқли жиҳатлари ва зиддиятларини аниқлаш;

шеърлятнинг турли бадиий шакл йўналишида қитъа жанри эркинлигини ойдинлаштириш;

қитъалар мавзуларининг ранг-баранглиги ва мазмунан бойлигини кўрсатиш;

X аср шоирлари қитъаларининг асосий ва ўзига хос мавзуларини таҳлил қилиш;

қитъа жанри асарларида воқеғўйлик ва ҳужжат ёзиш мавқеини очиб бериш;

қитъа жанри поэтикасида «амудий» (вертикаль) номли бадииятнинг асосий ўрнини аниқлаш;

қитъа асарларининг структурал ва композицион яхлитлиги хусусиятларига аниқликлар киритиш.

Тадқиқот объекти сифатида X аср тожик шеърлятида қитъа жанри ва шу даврда ижод қилган шоирлар қитъалари белгилаб олинган.

Тадқиқот предмети X аср тожик шеърлятида қитъа жанрининг келиб чиқиши, жанрий хусусиятлари ва поэтикасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий ва қиёсий-типологик, таснифлаш, тавсифлаш, умумийлик ва хусусийлик каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги асосан қуйидагилардан иборат:

исломнинг дастлабки даврларидаги форс-тожик тилидаги қўлёзмалар ҳамда қитъага ўхшаш илк фольклор шеърлари асосида қитъа жанрининг келиб чиқиши аниқланган;

қитъа жанрининг сарой назми норасмий ва мадҳсиз тамойилига мансублиги, сарой шоирлари ижодида қитъа ўзининг норасмий мавқеига боғлиқ ҳолда, кенг ва ҳар томонлама жанрий эркинликка эга бўлгани асосланган;

қасидалар мавзу ва мундарижасининг бир хиллиги ва такрорланувчанлигидан фарқли ўлароқ қитъалар мавзуларининг хилма-хиллиги ва мазмунан бойлиги, сарой қасиданавислари ўз қитъаларида воқеғўй ва ҳужжат кўчирувчи шоир сифатида намоён бўлганлиги ва қитъалар мазмуни реал воқеликлар билан боғлиқлиги очиқ берилган;

қитъа жанри поэтикасининг “вертикал” бадииятга асосланганлиги, шоирларнинг кўп қитъаларда ўз фикр-мулоҳазаларини сўз санъатларидан фойдаланмай туриб, жозибали ва образли тарзда баён қилганликлари ўз исботини топган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

X аср қитъа жанрига асарларига янгича ёндашувларга асосан ўрганилиши тожик адабиётшунослигидаги тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

тадқиқотдан олинадиган натижалар олий ва ўрта мактаблар учун қайта тўлдирилиб нашр қилинадиган дарсликлар, ўқув қўлланмаларидаги адабиётшуносликнинг мумтоз лирик назми жанрларига оид қисмларини янги далил ва маълумотлар билан бойитишга, таълим жараёнида янгича ёндашувларни юзага келишига замин яратади;

форс-тожик назмидаги шакл ва жанрларнинг яратилиш тарихи, такомиллашуви ва тараққиётига кўп зарурат сезиладики, унинг таркибида X аср шоирлари қитъаларига доир амалга оширилган тадқиқот унинг муҳим қисми ҳисобланиб, уни такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда чиқарилган хулосалар қиёсий-таҳлилий, тарихий ва структур усуллар билан асосланган, ишончли илмий ва адабий манбалар асосида қитъа жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тарихи баён этилган. Унда кўплаб шоирлар шеърлари таҳлил этилган ҳамда кўплаб тадқиқотчи олимлар асарларидан асосли манбалар келтирилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот тожик адабиёти назмида қитъа жанрига оид асарларнинг умумий аҳамиятини янада чуқур ва асосли ўрганилишини таъминлайди, шеъринг жанр сифатида қитъани мавзу ва мазмун жиҳатдан чекланган ва бир томонлама тадқиқ этишдан уни эркин,

асосли, кенг ва ҳар томонлама тадқиқ этишга йўналтиради ҳамда X асрларга мансуб қитъаларни ўрганишни ва тадқиқ этишни давом эттириш имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, диссертация материаллари ва натижаларидан университетлар, педагогика институтлари, академик лицейларида тожик мумтоз адабиёти ва адабиёт назарияси бўйича маъруза ва махсус фанлар ўтишда, шунингдек, лирик жанрларга оид тадқиқот яратишда, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. X аср шеърлятида қитъа жанри тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

исломнинг илк даврларидаги форс-тожик тилидаги қўлёзмалари ҳамда қитъага ўхшаш илк фольклор шеърляри асосида қитъа жанрининг келиб чиқиши аниқланганлиги ҳақидаги хулосаларидан Ф8-027-рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4338-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали форс-тожик адабиёти қўлёзмалари Шарқ миллий-маънавий ва адабий меросининг ажралмас қисми эканлиги исботини топган ҳамда поэтик матнлар ўзига хос бадиий-эстетик ифода усулига эга эканлиги очиб берилган;

сарой шоирляри ижодида қитъа ўзининг норасмий мавқеига боғлиқ ҳолда, кенг ва ҳар томонлама жанрий эркинликка эга бўлганлиги ҳақидаги хулосалардан Ф1-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанр ва турлярининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4338-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали сарой шоирляри ижодида қитъанинги жанрий эркинликка эга бўлгани асослар ва далиллар асосида кўрсатиб берилган;

XV аср форс-тожик ва туркий адабиётида такомиллашган бир қатор жанрлар ва уларнинг хусусиятларини компаративистик метод орқали ўрганиш бўйича олинган хулосалардан ФА-Ф1-Г039 рақамли “Алишер Навоий (2-жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомуслярини яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4338-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали темурийлар даврида вужудга келган бир қатор назарий рисолялар ва уларнинг илмий аҳамиятини компаративистик метод орқали ўрганиш имконияти яратилган;

мадҳий қитъаларда панд-насихатнинг кенг қамровли бўлганлиги, ушбу давр қитъаларининг асосий мавзуси насихат ва ҳикматга боғлиқлиги, шоирлар уларни изоҳлашда билимдон, донишманд сифатида намоён бўлиши ҳақидаги илмий хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадиоканали ДУК, “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston”

телеканалли ДУКнинг 2020 йил 10 ноябрдаги 04-25-1081-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали тингловчиларда миллий қадрият, миллий бойлик, миллий тафаккур тушунчаларни шакллантиришда амалий аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, улардан 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мумтоз форс-тожик шеърлятида қитъа жанрининг вужудга келиши”** деб номланган биринчи боби 3 фаслдан иборат. Бобнинг биринчи қисмида қитъа жанрининг форс-тожик адабиётида алоҳида шеърлий шакл сифатида вужудга келиши, мазкур жанрнинг эврилиш тамойиллари ва тарихий ва генетик асослари, бу борада бугунги кунга қадар амалга оширилган анъанавий усулдаги тадқиқотлар ҳамда соҳа бўйича мавжуд янгича илмий тамойиллар таҳлил қилинди. Қитъа алоҳида жанр сифатида турли мавзуларни қамраб олиши (ижтимоий-фалсафий, ишқ, табиат манзаралари), улар қасида мундарижасида мавжуд эмаслиги, ушбу жанрнинг ўзига хос поэтик нормалар, композицион тузилишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бизнингча, қитъа қасидадан вужудга келмаган, аксинча, қитъа қасидадан олдинроқ пайдо бўлган.

Агар “Сиистон тарихи”да Ибн Васиф “форс шеърлятининг илк шоири” эканлиги борасидаги маълумот “илк форсий қасиданавис шоир” маъносида тушунилса, ҳеч қандай баҳсга ўрин қолмайди. Дарҳақиқат, қасида сарой шеърлятининг яққою ягона жанри бўлиб, форс-тожик назмининг қадимги даврларида (IX–XII асрлари) “қасида” атамаси ўрнига “шеър” атамаси ишлатилган.

“Лубоб ул-албоб” (1222 йил) тазкирасида Муҳаммад Авфий Бухорий XII асрнинг қитъанавис шоири Шатранжий Самарқандий ҳақида маълумот бериб: “унинг ёзганларининг барчаси қитъадир ва ундан шеър ва ғазал ривоят қилишмаган”, - деб ёзади.⁴ Зеро, форс-дарий шеърятти улардан олдинроқ, IX асрнинг биринчи ярмида Ҳанзала Бодғисий (ваф. 834-835) ва Маҳмуд Варроқ Ҳиравий (ваф. 835-836) каби шоирларнинг ижодий фаолиятида вужудга келган эди. Агар бу икки сўз санъати устаси, яъни Яъқуб ибн Лайс Саффорий саройига боғлиқ номи зикр этилган икки шоирдан олдин форсий қасида вужудга келмаган бўлса, “илк форсзабон шоирлар қайси шеърӣ жанр ёки шаклларда ижод қилишарди?”, -деган савол туғилади.

Лекин Ҳанзаланинг сақланиб қолган иккинчи шеърининг қофияланиши ва том маънодаги бадий мазмуни қитъа жанрига мансублигига бу масаланинг ойдинлашувига бирор бир шубҳа қолдирмайди.

Мехтарӣ гар ба коми шер-дар аст,
Шав, хатар кун, зи коми шер бичӯй!
Ё бузургию иззу неъмату чоҳ
Ё чу мардон-т марг рӯёрӯй⁵.

Мазмуни: *Агар буюклик шер комида мавжуд бўлса, ўзингни хатарга солиб, уни шер комидан изла. Ёки буюклик, иззат ва неъмат-у мартабани танла, ёки эркаклардек юзма-юз ўлимни.*

Бу қитъанинг муаллифи яшаган даврни (IX асрнинг биринчи ярми) га мансублиги инобатга оладиган бўлсак, Муҳаммад ибн Васиф ижодида илк форсий қасиданинг пайдо бўлиш давридан (IX асрнинг иккинчи ярми) анча олдин яратилган. Демак, қитъа шеърӣ шакли илк форсзабон шоирлар ижодида қасидадан олдин мавжуд бўлган.

Ҳар ҳолда, Ҳанзаланинг икки, Маҳмуд Варроқнинг бизгача етиб келган ягона шеърининг ҳам қасидага ҳеч қандай алоқаси йўқ, яъни бу намуналар қасидадан ажралган парчалар эмас. Бу шеърларни илк форсзабон шоирлар қитъа шеърӣ шаклида ижод қилганини кўрсатади.

Қитъанинг шеърӣ шакли илк форсзабон шоирлар ижодида асосий мақом тутгани боис ушбу шеърӣ шаклнинг сарой қасидасидан вужудга келиши тўғрисидаги машҳур ақида ҳам рад этилади. Шу асосда, қитъа сарой қасидасидан пайдо бўлмаган, у шеърӣятнинг ушбу мадҳиявий жанридан анча олдин, саройдан ташқари шоирлар ижодида маълум ва машҳур бўлган.

Лекин кейинги давр адабий қитъалари билан ушбу лаҳжа шеърларининг ўхшашлиги тўлиқ маънода эмас. Илк лаҳжа шеърлари ўз зоҳирӣ шаклининг бошқа унсурларидан бутунлай фарқ қилади. Агар Абулянбағӣй шеърӣ маснавий қофияланишида (а-а-б-б) ёзилган бўлса, Язид ибн Муфаррағ ва Балхиён шеърлари халқ тароналари қофияланишида (-а-а-а-а) ижод қилинган.

⁴Муҳаммад Авфий Бухорӣ. Лубоб ул-албоб. Ба тасхеҳи чадид ва ҳавошӣ ва талиқоти комил бо кӯшиши Саъид Нафисӣ.-Техрон, 1335.-683с

⁵ Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ. Таҳияи матн ва луғату тавзеҳот аз Худои Шариф ва Абдушакур Абдусатторов.-Душанбе: Адиб, 2007. -Саҳ.20

Бобнинг 2-фасли “**Х аср шеърлятида қитъа жанри мақоми**” деб номланган. Кузатишлар ва таҳлиллардан аён бўлдики, қитъа жанри форс-тожик адабиётининг дастлабки шаклланиш босқичлариданоқ ўз ўрни ва мавқеига эга экан. Аслида қитъанинг мустақил шаклда ёзилиши унинг қасида ва ғазал қофияланишига тўлиқ ўхшашлигидан эмас, балки айрим ҳолатларда фақат мавзу ва мундарижасидан аниқ бўлиши мумкин. Қитъаларнинг мавзу ва мундарижаси эса кўп ҳолларда қасидалардан ажралиб туради. Ушбу давр шоирларининг асарларидаги кўп байтларни уларнинг ҳажвий мазмунидан келиб чиққан ҳолда қитъа жанрига мансуб деб билиш мумкин.

Қитъа ўзининг норасмий мақоми туфайли сарой шоирлари ижодида расмий қасиданинг қотиб қолган қонун-қоидалари салбий таъсиридан четда қолди. Сарой назми жанрларини “расмий” ва “норасмий”га ажратиш бизнинг сунъий ва субъектив ясамаларимиз эмас. Бу уларнинг воқеликдаги фарқланиши ва иерархияси сарой феодал муҳитида тутган ўрнига асосланади. Адабий жанрларни шундай табақалаштиришни феодал саройининг ўзи вужудга келтирган. Қитъанинг сарой шоирлари ижодида норасмий шеър ҳисобланиши юқори табақанинг эстетик расмий “юксак” меъёри бўйича расмий “юксак” қасидага нисбатан эътибори ва аҳамияти кам, дея тан олиниб, саройдаги мансабдор, лавозимли ёки давлатманд кишиларнинг диққат марказида бўлмаслиги билан изоҳланади. Сарой шоири ўз қитъаларида нарсалар ҳамда “назардан четда қолган” ҳаётнинг “икир-чикирлари” ва ҳодисалари ҳақида сўзларди. Қасидаларда ифода қилиш ноўрин ва ҳатто тақиқланган фикрларни баён этарди. Ҳаётнинг майда унсурлари, шоирнинг шахсий турмуш тарзи ва унинг деталлари, ўз замонасидаги алоҳида кишилар билан норасмий муносабати, қитъаларда баён этилган турли хил воқеа ва қарашлар барчаси ҳаётнинг норасмий ҳақиқатлари бўлиб, қасидалар сингари сароф аёнлари кўнглиги йўл топа олмасди. Норасмий шеър ҳаётнинг норасмий ҳақиқатларини қоғозга туширишни тақозо этган. Шунинг учун ҳам қитъалар ана шундай ҳақиқатлар, ҳаётини мулоҳазалар, ҳаётини воқеалар ва ҳужжатларга тўла. Бошқа адабий жанрлардан фарқли ўлароқ уларнинг мазмунини ушбу воқеий деталлар ташкил этган.

Шунинг учун сарой шоири ижодида икки томон ёки икки йўналиш вужудга келган. Биринчиси, қасидадаги расмий мақтов, иккинчиси, қитъадаги норасмий воқеғўйлик. Ушбу икки йўналиш сарой шоири ижодида бир-бирига қарши воқе бўлган.

Қасиданавис шоирлар ижод фаолиятидаги бир-бирига қарши бу икки йўналиш ушбу даврдан бошлаб, бир-бирига мазмунан қарама-қарши икки атама – мадҳ ва ҳажв (замм) билан ифодаланган. “Мадҳ” атамаси қасидадаги мамдуҳ таърифи ва тавсифини, “замм” (ҳажв) эса бирор киши ҳажвини қитъада ёки бошқа шеърини шаклда ифодалайди. Агар мадҳга “жиддий” ва эътиборли ижодий фаолият деб қаралган бўлса, ҳажв бунинг тескараси, “паст” ҳамда нораво иш ҳисобланарди. Шунинг учун биринчиси расмий, бошқаси норасмий шеър ҳисобланарди.

Мазкур бобнинг 3-фасли “Қитъа жанрининг эркинлиги” деб номланади. Сарой назми жанрий системасида қитъанинг норасмий мавқеи унинг фавқулудда муҳим бошқа хусусияти – жанр эркинлигини вужудга келтирган. Бу жанр қўлга киритган кенг ва ҳар томонлама эркинлик унинг сарой назмидаги норасмий мавқеига хилоф равишда мумтоз назм жанрлари системасида унинг мақомини анча юксак кўтаради. Қитъа жанри эркинлиги, энг аввало, унда машҳур адабий қонун-қоидаларга риоя этмасликда ёки кам риоя қилинишда, жанр нормалари ва адабий меъёрларида кўзга ташланади. Мазкур масала юзасидан қитъанинг ўрганилиши ушбу жанрнинг кенг қўламини ва ҳар томонлама эркинлигини, унинг ўзига хос томонларини ҳамда бошқа шеърий жанрлардан бутунлай фарқланувчи хусусиятларини кўрсатади. Лекин, афсуски, қитъанинг чуқур ўрганилмаганлиги, тадқиқ этишда унинг назарий масалаларига эътиборсизлик қилинганлиги боис ушбу жанрнинг энг муҳим хусусиятлари ойдинлаштирилмаган.

Айрим тадқиқотчилар қитъа байтларининг охириги ҳаддини унинг айрим намуналари асосида ҳатто 40-50 байт атрофида деб кўсатишган⁶. Қитъа байтларининг энг кам сони рубоий каби кичик шеърий шаклдадир ва ўз байтларнинг миқдори ва сони жиҳатидан қасида ҳажмига ҳам тенг бўла олади. Қасида ҳажми меъёри 10 байтдан 40 байтгача белгилангани билан қитъа байтларининг охириги ҳадди аниқ эмас ва бу жиҳатдан шеъриятда унинг имкониятлари жуда ҳам кенг.

Қитъанинг энг муҳим ва тўлиқ эркинлиги унинг мавзу ва мундарижасида намоён бўлади. Қитъа алоҳида бир мавзу негизида яратиладиган ягона мавзули жанр ҳисобланмайди. Қитъаларда ифодаланган турли мавзулардан бирортаси ҳам бу жанрнинг ўзига хос ёки асосий мавзуси ҳисобланмайди. Ушбу жанр мавзулари қўлами жуда кенг бўлиб, воқеий ва маънавий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун қитъани мавзу ва мундарижасига кўра мумтоз тожик шеъриятида энг бой жанр деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир қитъа кичик лирик шакл сифатида фақат бир мавзунини қамраб олса-да, жанр сифатида, умуман турли мавзуларни ўз ичига олиб, воқеий ҳаётни турли қирралари, кўп деталлари билан акс эттиради. Қитъаларни мавзу ҳамда мазмун-мундарижаси характери бўйича ҳолия, шиквоия, ахлоқий, тарихий, ҳикамий (фалсафий), мадҳий, ҳажвий, мутойибавий, ишқий, тавсифий, марсиявий, топишмоқ ва табиат манзаралари тасвирига бағишланган қитъалар каби турларга ажратиш мумкин.

Қитъа мавзуларининг турлича эканлиги қасидалардаги мавзулар бир хиллигига тўлиқ зид келади. Шунинг учун қизиқувчан ўқувчи, айниқса, тадқиқотчилар катта рағбат ва шижоат ҳамда ҳарислик билан қасиданавис шоирлар девонларидаги қитъалар қисмини ўқишга киришадилар. Зеро айнан девонларнинг ушбу мўъжаз қисмида шоир ҳаёти ва шахсияти, унинг ижодий фаолияти ва қарашлари, алоҳида кишилар билан ўзаро алоқа ва муносабати, давр тарихи ва маданиятининг турли воқеа ва ҳодисаларига доир кўплаб муҳим ва керакли нарсаларни топа оламиз.

⁶Ниг.Муллоаҳмад М. Қитъа дар осори Рўдакӣ. Донишномаи Рўдакӣ. Ҷ.3. - Душанбе, 2018. - С.442

Бобнинг 4-фасли “Қитъада воқенавислик” деб номланган. Қитъа жанрига хос кўп асарлар шоирлар ҳаёти, турмушида учраган ҳодиса ва воқеалар муносабати билан битилган. Уларнинг бир қисми шоирларнинг шахсий ва воқеий ҳаётига тегишли алоҳида онларини акс эттирган. Шоирлар ҳаётининг айрим онлари одатда, ҳасби ҳол қитъалари ичида ҳамда уларнинг мамдуҳлардан ижодкор турмуш тарзининг энг муҳим нарсаларини талаб қилиб ёзганларида ифодаланган. Талаб ва ҳолия қитъалари шоирлар ҳаётининг энг муҳим онларини ҳамда қимматли ҳужжатларини қамраб олганлиги сабабли таржимаи ҳолини ўрганишда катта аҳамиятга молик. Бунда шоирлар норозилик билдиришиб, бу хизматда кўпроқ уларнинг қийин кечаётган ҳаёти, ўз мақсадига етмаганлиги акс этади, бу эса ҳолия шеърларининг асосий мавзусига айланган. Ҳужжатли қитъаларнинг бошқа қисми турли катта-кичик воқеа ва ҳодисаларга бағишланган. Қитъалардаги мазмун ва мундарижа давлат арбобининг сиёсий-ижтимоий фаолияти хусусидаги ёзувлар, даврнинг тарихий, маданий, илмий-адабий ҳаётидаги турли ҳодиса ва воқеаларни зикр этиш, турли хил диний-маърифий муассасаларни бунёд этиш, хусусий иморатлар қурилиши ва машҳур шахсларнинг тўйларини муборакбод этиш ёки улар вафоти ҳақидаги марсиялар ва ҳ.к. Умуман мазкур қитъалар битилган замоннинг турли соҳаларига оид ҳужжат ва санадларни ўзида жамлаган.

Ҳолия қитъалар ҳам шоирлар турмуш тарзининг асл аҳволини акс эттирган ҳужжатли шеърлар ҳисобланади. Шунинг учун улар шоирларнинг илмий ҳасби ҳолини тиклашда ишончли санад ва ҳужжатлар сифатида эътироф этилади. Уларда ҳаёт образли эмас, балки унинг ўзи, ҳеч қандай сайқалларсиз пардоз берилмасдан намоён бўлади. Воқеликнинг бундай тасвир тарзи реализмга яқин бўлса-да, унинг айнан ўзи эмас, албатта. Хусусан, Абу Шакур Балхий ўзининг биринчи алоҳида байтида шундай дейди:

Рафиқони ман бо маю нозу неъмат,
Манам орзуманди якто зағора.⁷

Мазмуни: *Менинг ўртоқларимда май ва ноз-неъмат тўла, мен эса битта зогора (нон)га муштоқман.*

Қитъаларда мурожаат қилинувчиларнинг ижтимоий доираси ҳам анча кенгайиб, ҳукмдорлар саройи ва уларнинг хизмати билан боғлиқ бўлмаган тоифалар намояндаларини ҳам қамраб олганлигини кузатдик.

Кенг оммага қаратилган қитъалардаги ушбу ҳодиса уларнинг мавзу ва мундарижасини сарой муҳити ҳудудидан чиқариб, воқеий ҳаётга боғлаган. Қитъалар шу орқали сарой эгаларининг мақтовчисини бир киши, яъни асосий мамдуҳ – подшоҳ шоиридан, кенг халқ шоирига айлантиради. Шунга боғлиқ улар қитъаларининг мавзу ва мундарижаси кўлами ҳам кенгайди, халқ талабларига имкон қадар жавоб беради, уларнинг ҳаёт манфаатларини ифодалайди.

⁷Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ. Таҳияи матн ва луғату тавзеҳот аз Худой Шарифов ва Абдушакур Абдусатторов. – Душанбе: Адиб, 2007. - С. 146

Қитъаларнинг эътиборни тортадиган яна бир ҳаётӣ хусусияти уларнинг ҳодиса ва воқеаларга нисбатан муносабати таассурот, жавоб тариқасида битилганидир. Бунда шоир ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг чуқур таъсири остида қўлига қалам олади ва муҳит тақозоси билан шеърятга юз тутди.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Х аср шоирлари қитъаларининг ғоявий мавзу ва мундарижасининг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган. Бобнинг биринчи “**Қитъаларнинг асосий мавзулари**” фаслида қитъа жанрининг мавзулар ранг-баранглигига оид маълумотлар умумлаштирилган, яратилган тадқиқотлар асосида қитъаларнинг мазмун ва мундарижавий ғоялари, уларнинг асосий хусусиятлари таҳлил этилган.

Қитъа жанри мавзуларининг хилма-хиллиги ҳамда мазмунан бойлигини Х аср шоирлари ижодида ҳам кузатамиз. Қитъанинг ўзига хос мавзулари жумласига **фалақдан шикоят қилиш, дунё ва унинг аҳлидан шиква қилиш, ҳасби ҳол, тартибсизлик ва ижтимоӣ иллатлар танқиди, замон арбобларини таъна қилиш, илм-адаб бозорининг касодлигидан ва бетайинлигидан шикоят қилиш, ҳунар аҳлининг хўрлангани** ва бошқалар киради. Булар қитъаларнинг ғоявий мундарижасини белгилайди ва мазкур даврда яратилган ушбу жанр намуналарида ҳам учрайди. Х асрда яратилган қитъаларда билимни тарғиб ва васф қилиш, фалсафӣ қарашлар, ўғитлар, умрни ғанимат билиш ва ҳаётнинг шодлигидан баҳраманд бўлиш қабилидаги бошқа мавзулар кўпроқ ўрин олган.

Мадҳ мавзуси қитъа жанри учун бегона эмас. Шунинг учун “Рудакий асрдошлари шеърлари”даги мадҳий қитъаларнинг катта қисмини мазкур жанрдаги асарлар намуналари деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу мавзу воситасида сарой шоирлари ижодининг икки қарама-қарши – расмий ва норасмий қирралари бир-бири билан муносабатда бўлишга имкон туғилади.

Анча машҳур бўлган ва форс-тожик адабиёти тарихи китобларида мисол келтирилиб, устида баҳслар олиб бориладиган энг яхши ва қимматбаҳо саналган қуйидаги насихатомуз мадҳий қитъа Ҳанзала Бодғисий (ваф. 834) қаламига мансубдир:

Меҳтарӣ гар ба коми шер-дар аст,
Рав, хатар кун, зи коми шер бичўй!
Ё бузургию иззу неъмату чоҳ,
Ё чу мардон-т марг рўёрўй⁸

Мазмуни: *Агар буюклик шер комида бўлса, ўзингни хатарга қўйиб, уни шер комидан изла. Ёки буюклик, иззат ва неъмату мартабани танла, ёки эркаклардек юзма-юз ўлимни.*

Ушбу қитъа насихатомуз мазмундаги мадҳий шеърлар жумласидан саналса-да, унда фаол ўғит тўлиқ устунлик қилиб, мадҳни ўз соясида қолдирган. Ушбу қитъанинг ғоявий мазмунини саъй-ҳаракатга даъват этиш ҳамда ўз ҳаётӣ мақсадларига эришиш учун ҳар қандай монелик ва хатарлардан кўрқмаслик ташкил этади.

⁸ Мирзоев А. Сездаҳ мақола. -Душанбе: Ирфон, 1977. - 165с.

Қитъанинг ушбу умумбашарий ғоявий мазмунини муайян тарзда Ҳанзала хизматларида бўлган Тоҳирийлар хонадони намојандасининг “буюклик” – тахт ва салтанатни қўлга киритишга тарғиб қилинишидек сиёсий маънода тушуниш мумкин. Шу маънода буюклик ва мартабага сафарбар этадиган шундай ҳаётӣ шеърнинг вужудга келиши Х асрда – мустақилликка талпиниш каби сиёсий ҳаракатларнинг бошланиши ва авж олиши ҳамда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг миллий давлатини таъсис этиш даврида табиий ҳолат эди. Лекин ушбу аниқ сиёсий даъват умуминсоний мазмун касб этиб, ҳар бир кишини юксак ҳаётӣ мақсадларга эришиш учун руҳлантириб, унга жасорат, матонат ҳамда руҳий куч бағишлаши мумкин. Олий ҳаётӣ мақсадга сафарбар этадиган бундай шеър ўша давр назмининг умумий ҳаётсеварлик ва оптимистик руҳиятидан озиқланади.

“Х аср шеърлятида ҳикмат ва насиҳат мақоми” фаслида асосий масала сифатида мадҳий қитъаларда панд-насиҳатнинг кенг қамровли бўлганлиги, ушбу давр қитъаларининг асосий мавзуси насиҳат ва ҳикматга боғлиқлиги, шоирлар уларни изоҳлашда билимдон, донишманд сифатида номоён бўлиши таҳқиқ этилган.

Насиҳатомуз мадҳда у панд-насиҳат билан қоришиб кетган ҳолда намоён бўлади. Бу эса ушбу давр шоирлари қитъаларининг асосий мавзуси ҳисобланади. Х аср назмида насиҳат ва ҳикмат мавзулари қай даражада ривожлагани Рудакийнинг бизгача етиб келган асарларидан маълум. Лекин жуда муҳим саналган ушбу ҳаётӣ мавзу аксар ҳолда қитъа қолипидан изоҳланганини ҳамма ҳам билмайди. “Рудакий асрдошлари шеърлари”да деярли 20 га яқин қитъанинг кенг қўламли ушбу ижтимоий-ахлоқий мавзуга бағишланганлигини кузатиш мумкин.

XI асрнинг биринчи ярми машҳур шоири Манучеҳрий Домғоний Сомонийлар асри шоирлари, энг аввало, Рудакий ва Шаҳид Балхийни донишманд, оқил инсон унвони билан ёдга олганида катта ҳикмат бор:

Аз ҳақимони Хуросон ку Шаҳиду Рӯдакӣ

То кунад ҳаргиз шуморо шоири кардан киро?

Мазмуни: *Хуросоннинг буюк шоирлари Шаҳид ва Рудакий қани? Улар шоирликни кира қилишга сизларга изн берармиди?*

Ҳикмат ва насиҳат, жумладан, ақл-идрок мадҳининг ривожланиши ушбу давр шеърлятининг энг теран жиҳатлари ва хоссаларидан бирини ташкил этади ва кейинги асрлар адабиётининг ҳикматомуз асарларида камроқ кузатилади. IX-X асрлар шеърлятининг ғоявий мазмуни тараққиётининг ушбу ўзига хосликлари, ўзининг муайян тарихий-ижтимоий, маданий илдизлари ва омилларига молик эди, албатта. Ушбу давр шеърлятининг ҳикматомуз ғоя ва руҳ касб этишини мазкур даврнинг улкан фикрий ва маданий ҳаракати – Хуросон, Мовароуннаҳр ва Эронда аниқланган, Европа шарқшунослари мусулмонлик Ренессанси деб атаган исломий давлатлардаги иқтисодий ва маданий тараққиёт билан бевосита боғлиқ бўлган.

Илм мадҳи ва тарғиби ҳам ушбу давр шеърлятининг асосий ва ўзига хос мавзуларидан бўлиб, ақл-идрокни мадҳ этишга қаратилган. Илм ҳақиқий

улуғлик ва юксакликка эришиш йўлидир. Бу олий мартабага молу зар орқали ҳам, жоҳу мансаб билан ҳам эришиб бўлмайди. Жоҳу мол эгаси саховатмандликка қўшимча ҳолда илм ўрганиб, оқил ва донишманд бўлган пайтда шараф топади. Инсон оқиллик ва илмдан ўзига муносиб мартаба-мақомга эга бўлади. Демак, юксак мартабали киши бойлик ва жоҳ соҳиби эмас, балки дунёси бўлмаса ҳам, илми бор одам ҳисобланади.

Ушбу китъа илм тарғибига оид ҳикматомуз шеърларнинг юксак намунаси ҳисобланиб, Ренессанс даврида халқнинг илмга нисбатан ҳарислиги ва чанқоқлигини исботлайди. Буюк файласуф шоир Шаҳид Балхий уни китъа каби кичик шеърлар шаклида айрим деталлари, алоҳида қирралари билан акс эттирган. Масалан, унинг жуда кам сақланиб қолган пароканда шеърлари орасида (102 байт) билим ва билимдон мавзусида учта китъа учрайди. Лекин ушбу китъаларда илм ва олимнинг улуғлигини мадҳ этишдан кўра, ҳаким шоирнинг ўз тоифасидаги одамларнинг аянчли турмушидан қайғуриши, норозилиги, қаноатсизлиги кўпроқ ўрин тутади:

Донишо чун дареғам ойи аз он-к,
Бебаҳой, валекин аз ту баҳост.
Бе ту аз хоста мабодам ганҷ,
Ҳамчунин зорвор бо ту равост⁹

Мазмуни: *Эй илм, сени қандай дариг тутаманки бебаҳосан, лекин баҳо сендандир. Сенсиз мол ва ганж керак эмас, унга зор бўлсам ҳам, сенга эга бўлишни истайман.*

Бу буюк сўз санъати устаси ўзининг билими қадрсизлиги билан ушбу маънавий имтиёздан ғурурланиб, билимсиз унга “хоста” ва “ганж” – мол ва бойлик керак эмаслигини таъкидлайди:

Донишу хоста-ст наргису гул,
Ки ба як қой нашкуфанд ба ҳам:
Ҳар киро дониш аст, хоста нест,
Ҳар киро хоста-ст, дониш кам¹⁰.

Мазмуни: *Илм билан мол наргис ва гул каби биргаликда бир жойда ўсмайди: Кимдаки илм бўлса, мол йўқ, кимдаки мол бўлса, билим кам.*

Кўриб турганимиздек, Шаҳид китъаларидаги илм ва илм аҳли мавзуси ушбу жанр табиати тақозосига кўра, бошқа томондан, норасмий изоҳланган. Шунинг учун Абу Шакурнинг “Офариннома”си, Рудакийнинг “Калила ва Димна”си ҳамда бошқа катта ҳажмли адабий асарлардан ўз расмий мадҳи билан бутунлай фарқ қилади. Шаҳид ушбу мавзуга бошқа нуқтаи назардан эътибор қаратиб, билим васфи ўрнига олимларнинг қийин аҳволи ҳамда уларнинг қайғули ҳаётини қоғозга туширган.

Демак, X аср шеърлятида илм ва унинг намояндалари васфи моҳияти фақат Уйғониш даври илм-фан тараққиётига боғлиқ, унинг таҳлили шу даврнинг кўриниши ва самараси сифатида очилади. Исломий Уйғониш илм-фан тараққиётига йўл очганидек, нафақат адабиётнинг шиддатли

⁹ Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ. Таҳияи матн ва луғату тавзеҳот аз Худой Шарифов ва Абдушакур Абдусатторов. – Душанбе: Адиб, 2007. - С.41

¹⁰ Шу китоб: - Б. 54

тараққиётини вужудга келтирди, балки адабиётнинг тараққиёт йўли, ғоявий мундарижаси йўналишлари, ушбу даврга хос мавзуларини белгилаб берди. Бу фикр давр шеърининг ўзига хос бошқа мавзулари таҳлилида янада ойдинлашади.

Бобнинг учинчи фасли “**Дилхушлик ва ҳаётсеварлик фалсафаси**” деб номланган. Ушбу давр шеъриятида ақл ва илм мадҳи мавзулари қитъалардан ташқари, улкан лирик шаклларда ҳам изоҳланган бўлса, умрни шодлик билан ўтказиш ва ҳаётсеварлик мавзуси кўпроқ қитъа шаклида акс этиб, X аср шеърияти мазкур жанрнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини ташкил этган.

Мазкур давр шоирлари ижодида ҳаётсеварлик руҳи тантанаси, ҳаётнинг қайғу-аламларига шодлик ва дилхушлик ғалабаси кузатилади. Шоирлар ҳаётнинг хуррамлиги, айниқса, айш-ишратни тараннум этган. Бу ҳолат сарой шоирлари ижодида буткул табиийдир, чунки унинг асосий бир қисмини мулкдорларнинг айш-ишратли базмларини тараннум этиш ташкил этарди. Лекин айш-ишратни куй-қўшиқни, май ва майпарастликни васф қилиш асосан, қасидаларда кузатиларди. Унинг таъсири шоирларнинг мадҳсиз асарларида, жумладан, қитъа жанрида ҳам кўзга ташланади.

Шоирлар нафақат ҳаётнинг шодлигини тараннум этишган, балки омадсиз инсонларнинг ўз орзу-ҳавасларига етишлари, хушбахт бўлишларини истаганлар. Омадсиз кишиларнинг ўз муродига етиши хусусида маъруф шоир Туркий Кеший Айлоқийнинг оптимистик руҳда ёзилган қитъаси бор. Унда шоир ўзининг омадсиз тингловчисига тасалли бериб, бугун агар муродингга эришмаган бўлсанг, эртага унга эришасан, деб руҳини кўтарган. Чунки омадсиз кишилар эртанги эзгу кун умиди билан яшайдилар:

Имрўз агар муроди ту барн-ояд,
Фардо расй ба давлати обо-бар.
Чандин ҳазор умеди банй одам
Тавқе шуда ба гардани фардо-бар¹¹

Мазмуни: *Бугун агар ўз мақсадингга эришмаган бўлсанг, эртаси ўша давлатга эришасан. Одам фарзандининг бир неча минг орзу-ҳаваслари эртанинг бўйнига осилиб қўйилган.*

Бунда шоирнинг тасалли берувчи сўзлари биргина мурожаат қилинувчи киши билан чекланиб қолган. Шунга қарамасдан, эртага орзу-ҳавасларга эришиш оптимистик мазмуни билан “бир неча минг” умидвор кишилар ҳам назарда тутилган. Мазкур шеърининг ҳаётий моҳиятига доир шуни айтиш кифоя; у умидсизларга умид улаши, бу йўлда уларга қатъият, субут ва матонат бериши мумкин. Шу билан бирга уларни руҳлантириб, орзу-ҳавасларини амалга оширишга йўл кўрсата олади, бу йўлда уларга қатъият, субут ва матонат бериши мумкин. Бундай шеърлар ушбу давр назмининг умумий ҳаётсеварлик мазмунига хосдир.

Иккинчи бобнинг 4-фасли “**Ҳикматли қитъаларда ҳаёт ва ўлим фалсафаси**” деб номланган. Форс-тожик мумтоз адабиётида энг оригинал мавзулардан бири **ҳаёт ва ўлим фалсафаси** ҳисобланади ва уларни бир

¹¹ Шу китоб: - Б. 112

биридан айро талқин қилиш ва таҳлил этишнинг имкони йўқ. Инсоннинг “ҳаёти” ва “ўлими” X аср шеърятининг асосий мавзуларидан бири ҳисобланди. Ушбу мавзулар, яъни “ҳаёт” – “тириклик демак” ва “ўлим”, ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, шу жиҳат билан ҳам ўтган фаслларда таҳлил қилинган мавзуларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Лекин бу мавзу мазкур давр шеърятининг марказида бўлганлиги баробарида жуда мураккаб ва ўзининг бадиий изоҳланиш тарзи ҳамда воситалари нуқтаи назардан рамзий, муаммовий ҳам ҳисобланади.

Рудакий жаҳонга мурожаат қилинган бир туркум ҳикматли қитъалар яратган. Уларда мазкур образ (жаҳон) инсон билан муносабатда турли сурат ва қиёфаларга киритилган: Бир қитъада у “она” каби кўзга ташланади ва болалари (одамлар)га нисбатан гоҳида мушфиқ бўлса, бошқаси учун ўгай онадир, яъни гоҳида меҳрибон, гоҳида меҳрсиз ва қаҳрли. Бошқа қитъада “жаҳон” деганда ўйин ва найранг ёки найранг қилувчи киши назарда тутилади, унинг эзгу амали афсун ва ёлғондан бошқа нарса эмас. Шунинг учун унга алданиб қолмаслик, лекин ёмон ишларига қарши қаттиқ курашиш лозимлиги уқтирилади. Яна бир қитъада жаҳон илонга ва жаҳоннинг изланувчиси, жаҳонга рағбати кўп бўлган киши илон тутувчи кишига қиёсланиб, бир куни илон тутувчини илон ҳалокатга етказиши таъкидланади. Бошқа қитъадан жаҳон овчи образида намоён бўлади, у одамларни “овлайди”.

Рудакий талқинидаги дунё, энг аввало, ўлимнинг рамзи ва ифодасидир. Бу фикр шоир талқинида одамларнинг барчасини ушбу жаҳон ўлжаси сифатида қараши, жаҳонни эса уларнинг ўлими манбаи сифатида таъбир қилишида юзага келади. Яна шунингдек, шоирнинг жаҳонни нағил (чўлда қўйларни сақлаш жойи, қўтон)га ўхшатиб, туш пайти келганда, қўйлар каби одамларнинг қўтон томонга талпиниши уларнинг ўлим тузоғига боришининг киноявий ифодаси сифатида қўллашида ҳам намоён бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Қитъа жанри поэтикаси”** деб номланади. Бобнинг биринчи **“Қитъа жанрининг структураси”** фасли қитъа жанрида кузатиладиган умумий қамраб олувчи эркинлик унинг структура ва композицияси ҳақида маълумотларни ўзида мужассам этган.

Ушбу жанрнинг эркинлиги унинг композициясида ўзига хос жиҳатларни вужудга келтирган ва бу жиҳатларни форс-тожик поэзиясининг бошқа анъанавий жанрларида учратмаймиз. Анъанавий жанрларга мансуб шеърларда, айниқса, қасида ва ғазалда одатдагидек ҳар бир байт мазмун жиҳатидан ўзига мустақил бўлиб, мукамал ва том маънодаги байтни ифодалайди. Шу билан бирга мазмун жиҳатдан ўзидан олдинги ва кейинги байт билан узвий ва изчил алоқаси ҳам бор. Мазкур жанрларда у ёки бу маъно бир байт доирасидан кейинги байтга ўтмайди ёки давом этмайди. У шеърнинг бошқа байтлари билан тўлиқ мантиқий алоқада бўлмаса ҳам, умуман шеър мазмунини тўлиқ такомиллаштиришга йўналтирилган.

Шунинг учун қасида ва ғазалнинг ҳар бир байти шеър таркибида ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам, ўзининг лисоний ифодаси жиҳатидан ҳам мустақил бўлиб, ўзидан олдинги ва кейинги байтларга боғлиқ эмас. Шоир байтда

бирор мазмун ифодасини тугалламай қолдириб, уни кейинги байтда давом эттирмайди ёки тўлдирмайди. Шунинг учун тожик шеърлятида, асосан ғазал ва қасида жанрларидаги асарларда байт шеърнинг бирлиги деб тушунилади.¹²

